

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

23-сон  
(1095)  
2023 йил  
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

198. «Пиллачилик соҳасида касаначиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда пилла этиширишучунозуқабазасиниянадакенгайтиришнингқўшимчачора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-85-сон Фармони
199. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги ПФ-90-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

200. «Маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июндаги 231-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

201. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil 29-maydagi 248-mh-son hamda Madaniyat va turizm vazirligining 2023-yil 15-maydagi 2077-son “Pochta to‘lovining davlat belgilari davlat kolleksiysi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2077-4*)
202. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 243-mh-son “Pochta aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2219-13*)
203. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 244-mh-son “Pochta, kuryerlik jo‘natmalari pochta xavfsizligi yuzasidan nazoratni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2428-7*)
204. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 245-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi pochta to‘lovining davlat belgilari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2529-3*)
205. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 26 майдаги 14/11-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-3*)
206. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 16 майдаги 12-сон «Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3439*)
207. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 2 июндаги 14-сон «Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3440*)

208. Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2023 йил 29 майдаги 1-мн-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умуний ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-4*)
209. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 25 майдаги 05/05-05/01-сон «Қонунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155-1*)
210. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining 2023-yil 31-maydagisi 35-mb-son hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2023-yil 31-maydagisi 19-2023/qq-son “Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o‘rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 8-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2858-1*)
211. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 1 июндаги 22-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдорини белгилаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206-1*)
212. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 5 майдаги 10/5-сон «Тижорат банклари томонидан қўчмас мулкни ва бошқа мол-мulkни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3441*)
213. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 10-maydagisi 9-2023/B-son “Mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko‘ra bekor qilinib, ogohlantirish muddati pullik kompensatsiyaga almashtirilganda xodimlarga moddiy madad berish tartibi haqidagi tushuntirishga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 9-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 720-2*)

214. O'zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 8-iyundagi 251-mh-son “Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalarining 3-ilovasi 3-bandiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 9-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2219-14*)
215. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 31 майдаги 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 июнда рўйхатдан ўtkazildi, rўyhat raqами 2721-2*)
216. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 27 майдаги 14/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айrim идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 июнда рўйхатдан ўtkazildi, rўyhat raqами 3442*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **198 Пиллачилик соҳасида касаначиликни қўллаб-қувватлаш хамда пилла етишириш учун озуқа базасини янада кен- гайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда ипак қуртини парвариш қилишда касаначиликни янада ривожлантириш, лалми ерлар ва яйловларни ўзлаштириш ҳисобидан янги тутзорларни барпо этиш орқали пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги кластерлар ва фермер хўжаликлари ҳамда пилла етиширишга ихтисослашган уй хўжаликлари ташкил этиш, шунингдек, пилла хом ашёси етиширишнинг озуқа базасини янада кенгайтириш мақсадида:

1. 2023 йил июнь ойидан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Кўмита), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг таклифларига асосан ҳудудларда:

ипак қуртини парваришлаш, етиширилган пилла хом ашёсини харид қилиш, қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, тайёр маҳсулотни ички бозорга йўналтириш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган янги пиллачилик кластерлари;

тут кўчатларини етишириш, тутзорларни барпо қилиш, ипак қуртини парваришлаш, пилла хом ашёсини тайёрлаш билан шуғулланадиган пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги янги фермер хўжаликлари ташкил этилсин.

2. Пиллачилик кластерлари, пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари томонидан янги тутзорлар барпо қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда 1-иловага\*\* мувофиқ ер майдонларини уларнинг контурларини аниқ белгилаган ҳолда Кўмитага доимий фойдаланиш ҳукуқи асосида ажратсин.

3. Белгилансинки, янги тутзорлар барпо қилиш учун ер участкалари 10 гектардан кам бўлмаган ўлчамда пиллачилик кластерлари, пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига, истисно тариқасида, Кўмита билан тузиладиган инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ижара ҳукуқи асосида ажратилади.

Бунда, Кўмита, «Ўзбекипаксонаот» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари пиллачилик кластерлари,

\* Ушбу Фармон «Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 5 июнда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ташкил этишда иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли юридик шахсларни танлаш ва шакллантиришга масъул ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги Қўмита ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда янги тутзорлар барпо қилиш учун ер участкаларини пиллачилик кластерлари, пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ижарага бериш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. 2023 — 2027 йилларда Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонларида янги тутзорлар барпо қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни ҳар бир ҳудуднинг тутзорлар барпо этиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, белгиланган миқдорда тут уруғлари ва кўчатларини тайёрлаш учун тутчилик хўжаликларига белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш чораларини кўрсинг.

5. Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қўмита ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг таклифларига асосан, ҳудудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига тегишли бўлган ва аҳолига оиласвий пудрат шартномаси асосида бириктириладиган тутзорлар майдони 0,5 гектардан 2 гектаргача этиб белгилансин. Бунда:

Кўмита ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси эскирган тутзорларни уларни реконструкция қилиш шарти билан пиллачилик уй хўжаликларига бириктиради;

тутзорларни мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган ўлчамларда пиллачилик уй хўжаликларига бириктириш аҳоли билан олдин тузиленган оиласвий пудрат шартномалари муддатлари тугагандан сўнг амалга оширилади;

пиллачилик уй хўжаликларининг фаолияти пиллачилик кластерлари билан кооперация асосида йўлга қўйилади;

пиллачилик уй хўжаликларига бириктирилган ер майдонининг тут қаторлари орасига сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни экишга рухсат берилади;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари оиласвий пудрат шартномаси шартлари асосида пиллачилик уй хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиб, аҳоли бандлигини таъминлашга шахсан масъул ҳисобланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2023 йил 1 июндан бошлаб:  
а) касаначилар, пиллачилик уй хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликларига

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рига ипак қурти ууруғи ва уни парваришлиш билан боғлик ресурслар, жумладан түшама қофоз, термометр, полиэтилен плёнка, психиrometer (инкубаториялар учун) ва бошқа зарурий ресурслар пиллачилик кластерлари томонидан бепул берилади;

б) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан майдони 10 гектар ва ундан зиёд гектардаги тутзорларга сув чиқариш учун бурғиланган құдук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясими қуришга ҳар бир метри учун 600 минг сүмдан, аммо 120 миллион сүмдан ошмайдиган миқдорда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тегишили далолатномасига асосан субсидия ажратилади;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қўмита 2023-2024 йилларда Осиё тараккىёт банкидан 10 млн АҚШ доллары миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини тут етиштириш, пиллани қабул қилиш, саралаш, сақлаш ва қайта ишлаш комплексини қуришга жалб этиш чораларини кўради.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-225-сон қарорига асосан:

пиллачилик уй хўжаликлари, пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ва пиллачилик кластерларига — тут етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун;

қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, шу жумладан пиллачилик кластерларига — тайёрланган (етиштирилган) пилла хом ашёсини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағларини ажратиш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-113-сон қарори доирасида халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан касаначиларга яшаш жойларида ипак қурти урурини парвариши қилиш учун куртхона қуриш, шунингдек, қайта ишловчи, сақловчи, экспорт қилувчилар ва пиллачилик кластерларига тайёрланган (етиштирилган) пилла хом ашёсини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш цехларини қуришга 10 йил муддатга, йиллик 14 фоиз ставкада маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қўмита билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Қўмитага доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳолатини Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Геоахборот тизими орқали мунтазам мониторинг қилиб бориш тизимини жорий этсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги

Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (UZKAD)ни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Геоахборот тизимига интеграция қилишни таъминласин.

9. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг ҳудудларда ипак қурти уруғини тайёрловчи янги уруғчилик корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи З-иловага\* мувофиқ маъқуллансан.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қўмита:

2023 йил якунига қадар қишлоқ хўжалигига жалб қилинган халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан Ипакчилик илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ҳузуридаги генетик тадқиқот лабораториясини ипак қуртининг супер элита уруғини яратиш ваундан элита уруғликларини олиш учун керакли ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсинг;

Институт билан биргаликда 2023 — 2025 йиллар давомида Хитой ва Вьетнам давлатларидан олиб келинадиган ипак қурти тоза зотларининг бошланғич тухум қўймалари ва супер элита уруғи асосида маҳаллий шароитга мос янги сермаҳсул зотларнинг супер элита уруғини яратиш ваундан элита уруғликларини олиш ишларини амалга оширсин;

2023 йил якунига қадар Институт ҳузурида хусусий секторни жалб этган холда ипакчилик соҳаси олимлари томонидан яратилиб, давлат реестрига киритилган ипак қуртининг маҳаллий зотлардан олинган элита уруғини тайёрлаш наслли уруғчилик станциясини ташкил қилсин ҳамда фаолиятини йўлга қўйсинг;

Институтга хусусий сектор иштирокида наслли уруғчилик хўжаликлари ни бириктириш ва саноатлашган уруғни тижоратлаширишни йўлга қўйсинг;

икки ой муддатда ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратган муаллифларни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинг. Бунда, яратилган элита уруғини пилла хом ашёси етиштирувчиларга тарқатишдан улуш олиш назарда тутилади.

11. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бир ой муддатда ипак қуртининг маҳаллий тоза зотлари супер элита уруғини яратиш ваундан элита уруғликларини олиш ҳамда тутнинг янги навларини яратиш бўйича амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалар танловини эълон қиласин.

12. Қўмита Институтнинг Тошкент шаҳридаги бино-иншоотлари ва ер майдонларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

Институт талабномасига мувофиқ ипак қуртининг маҳаллий шароитга мос супер элита уруғини яратиш ваундан элита уруғликларини олиш учун керакли ускуналар билан жиҳозлаш, маҳаллий зотлардан олинган саноат уруғини тайёрлаш мақсадида наслли уруғчилик станциясини ташкил қилиш учун талаб этиладиган маблағларнинг бир қисмини қопласин;

Институт бино-иншоотларини реконструкция қилиш ва селекция ишларини олиб боришини таъминлаш мақсадида ипак қуртларини парваришилаш учун маҳсус бино-иншоотларни барпо этиш, уларни табиий газ, муқобил энергия тежовчи воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Институт ҳузурида ипакчилик соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш доимий равишда олиб борилишини йўлга қўйиш учун ўқув марказини ташкил этсин ҳамда уни кўргазмали ва ўқув материаллари билан жихозласин.

13. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Давлат активлари ни бошқариш агентлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги Андижон вилояти, Марҳамат тумани, «Гулистон» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-А уй манзилида жойлашган Марҳамат агротехнологиялар техникумининг бино-иншоотлари ва ер майдонларини оператив бошқарув хуқуқи асосида Институтга ўтказиб беришни таъминласин.

Андижон вилояти ҳокимлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Марҳамат агротехнологиялар техникумидаги таҳсил олаётган талабалар ўқишининг 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Андижон ветеринария медицинаси техникумига кўчирилишини таъминласин.

14. Андижон вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда оналик тутзорлар ва тажриба-синов хўжалигини ташкил этиш учун Марҳамат туманида 14 гектар ер майдонини Институтга доимий фойдаланиш хуқуқи асосида ажратсин.

15. Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев, Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) бир ой муддатда Ҳиндистон билан пилла маҳсулотлари импорт божини камайтириш бўйича хукуматлар-аро музокара ўтказиш юзасидан таклиф киритсан.

16. Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов), Маданият ва туризм вазирлиги (О. Назарбеков) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасидан Вьетнамга қўшимча авиарейсларни қўйиш юзасидан таклиф киритсан.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim хужжатларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни ҳамда тутчиликка ва пиллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги мақомини белгиловчи тегишли норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.К. Шарипов белгилансин.

Фармон ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 июнь,  
ПФ-85-сон

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**199      Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 4-иловага\*\* мувофиқ;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\*\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиши агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага\*\* мувофиқ;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 7-иловага\*\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 8-иловага\*\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидағи ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар 9-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик)нинг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш бўйича штат бирликлари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига ўтказилсан ҳамда Вазирликнинг ушбу соҳадаги вазифа ва функциялари мазкур Инспекция томонидан амалга оширилсан.

3. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларини ривожлантиришда:

а) 2026 йилгача бўлган даврга қадар қишлоқ хўжалигига ҳар йили 1 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 35 млрд АҚШ долларига етказилади ва ҳар бир гектар суфориладиган ердан олинадиган даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш бўйича дастурлар амалга оширилади;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июнда эълон қилинган.

\*\* 2 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) ҳар йили Вазирлик томонидан ахоли, саноат корхоналари ҳамда ички ва ташқи бозор талабини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичларини ҳамда уларнинг етишмаган қисмини ички имконият ҳисобига қоплаш юзасидан дастур ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланади;

в) 2023 йил ҳосилидан бошлаб ҳар йили Вазирлик дала четлари ва ахолига дехқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш ишларини фермер, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари кесимида ташкиллаштиришга кўмаклашади ҳамда маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаш бўйича билим ва кўнкимларини ошириб боради;

г) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг амалдаги механизmlари либераллаштирилади;

д) 2023 йил якунига қадар:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларни турли хатарлардан ҳимоя қилиш ва барқарор даромад олишни кафолатлаш бўйича суғурталаш тизими яратилади;

қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий, ресурстежамкор техника ва технологияларни кенг жорий этиш учун лизинг операцияларни ривожлантириш ва рағбатлантириш чоралари кўрилади;

ахолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган ижара хуқуқидан актив сифатида фойдаланишнинг хуқукий механизmlари яратилади.

4. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ Вазирлик тизимдаги раҳбарий фаолиятни яkkабошчилик асосида ташкил этади ҳамда фаолияти-нинг устувор йўналишлари бўйича ўз тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ўз хузуридаги ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда қўйидагиларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда унинг хузуридаги ташкилотларнинг марказий аппаратларини, штат бирликларини, харажатлар сметасини тасдиқлаш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, мол-мулкларини бошқариш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ўринбосарлари ва маслаҳатчиларини лавозимига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларига Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган, улардан фойдаланишдан тежаладиган маблағларни қонунчиликка мувофиқ қайта тақсимлаш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда унинг хузуридаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини жамғармалараро қайта тақсимлаш тартибини ва миқдорини белгилаш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият орган-

лари ҳамда унинг хузуридаги ташкилотларга ҳалқаро молия институтлари, хорижий давлатлар томонидан грантлар ва қарз маблағлари жалб қилиш ҳамда самарали ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш;

бошқа соҳадаги вазирлик, идоралар ва хусусий сектордан ишга жалб қилинган ходимларга кўп йиллик хизмати учун хар ойлик устамаларни белгилаш.

5. Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига узумчилик ва виночилик соҳасида қўшимча вазифалар юклатилсин.

Бунда, Вазирлик бир хафта муддатда Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг марказий аппаратида:

а) озиқ-овқат саноати хизматлари ва инновациялар бўйича директор ўринбосари лавозимини таъсис этиш;

б) қўйидагиларнинг:

Алкоголь, тамаки саноатини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш мониторингини юритиш бошқармаси;

Инновацияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини таҳлил қилиш бўлими;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатига хизмат кўрсатиш бўлимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. 2023 йил 1 январдан бошлаб Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида ер тузиш ва мониторинг вазифалари юклатилган 657 нафар ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

Бунда, ушбу харажатлар 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Вазирлик ва унинг тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида, 2024 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ижарага олиш хуқуқини қўлга киритиш учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб ер участкасининг ижара муддатига ҳисобланадиган қўшимча тўловларнинг 50 фоизи Вазирлик хузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига йўналтирилсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 10 июндан бошлаб:

а) Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан Инспекция ваколати доирасидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб ва маъмурий жазоларни қўллаш хуқуқи берилади;

б) Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-курилиш техникаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари, истисно тариқасида, текширувичарнинг «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга оширилади.

9. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг заарасизлантириш (фумигация) бўлимларининг экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларни заарасизлантириш (фумигация) функцияси хусусий секторга ўтказилсин.

10. Вазирлик:

бир ой муддатда аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишга оид тегишли қарор лойиҳаси;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишнинг 2023 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси;

уч ой муддатда халқаро тажриба асосида қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш, унинг оқибатларини юмшатиш Миллий дастурини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқластириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 июнь,  
ПФ-90-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 июндаги  
ПФ-90-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

### **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

а) қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш, ўсимликлар карантини ва химояси, ветеринария, чорвачилик ва наслчиллик-селекция, пиллачилик, яйловлардан фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

б) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишни назарда тутувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

в) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотища бозор тамоилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

г) озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

д) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, шу жумладан яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш, ҳамда ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш йўналишларида вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

е) қишлоқ хўжалигига давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий шаклларини ривожлантириш;

ж) фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

з) қишлоқ хўжалигига илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллаш орқали илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

и) қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

к) замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услугларини жорий этишга қаратилган тармоқ статистикасининг шаффофтизимини яратиш;

л) соҳани жадал ракамлаштириш, жумладан қишлоқ хўжалиги ва озиқовқат хавфсизлигини таъминлашнинг барча босқичлари ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни қўллаш ҳамда геоахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинлар мониторингини юритиш, шунингдек, субсидия ажратишнинг шаффофтизимини кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 июндаги  
ПФ–90-сон Фармонига  
9-ИЛОВА

### **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидағи ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ва унинг тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппарати ходимларига кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қўйидаги ҳажмларда ҳар ойда устама тўланади:

1 йилдан 5 йилгacha — 0,2;  
5 йилдан 10 йилгacha — 0,3;  
10 йилдан 15 йилгacha — 0,4;  
15 йилдан 20 йилгacha — 0,6;  
20 йилдан 25 йилгacha — 0,8;  
25 йилдан ортиқ — 1,0.

Вазирликнинг худудий бўлинмалари ҳамда Вазирлик тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг худудий бўлинмалари ходимларига кўп йиллик хизмат учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қўйидаги ҳажмларда ҳар ойда устама тўланади:

1 йилдан 5 йилгacha — 0,2;  
5 йилдан 10 йилгacha — 0,3;  
10 йилдан 20 йилгacha — 0,4;  
20 йилдан ортиқ — 0,6.

2. 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппарати ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофик лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти — 1,8 баравар-

га, Вазирликнинг худудий бўлинмалари ҳамда унинг тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг худудий бўлинмаларида — 1,4 бараварга оширилган миқдорда қўлланилади.

3. Мехнатга ҳақ тўлаш ягона тартиби чиққунга қадар, Вазирлик тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари, тизим ташкилотларининг марказий аппарати ходимлари учун Вазирлик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, Вазирлик тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг худудий бўлинмалари ходимлари учун Вазирлик худудий бўлинмалари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари қўлланилади.

Бунда, Вазирлик, унинг тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва тизим ташкилотлари ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари ходимларини тегишилиги бўйича бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари хисобидан қўшимча рағбатлантириш улар фаолиятининг натижадорлиги (KPI) ва эришилган ютуқларига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 июндаги  
ПФ-90-сон Фармонига  
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш,» сўзлари «ветеринария ва чорвачилик соҳасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси эпизоотик осо-йишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниклаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликни барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун масъул республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади».

г) 4-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ҳамда 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

д) 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармонида:

а) 4-банддаги «Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига» сўzlари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси» сўzlари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пиллачилик ва қоракўлчилик соҳасини ривожлантиришни таъминлаш»;

в) 10-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:»;

г) 2-илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги  
Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига  
доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган  
яйловларда 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон  
Республикасида қоракўлчиликни ривожлантиришнинг  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ».**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3026-сон қарори 8-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўzlари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарорининг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Белгилансинки, Жамғарманинг ижро этувчи аппарати, жумладан марказий аппарати ва худудий вакиллар штат бирликлари микдори Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади. Бунда Жамғарма иш ҳажмидан келиб чиқиб, Васийлик кенгашига Жамғармага қўшимча штат бирликлари жалб этиш ҳуқуқи берилсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида»-

ги ПҚ-3703-сон қарори 2-бандининг тўққизинчи хатбоисида ва 4-бандда «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4015-сон қарори 14-бандининг учинчи хатбоиси ва 23-банддаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи хатбоисида «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг» сўзлари «Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3 ва 5-бандлар ҳамда қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи — ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги рус тилидаги матнда «Государственного комитета» сўзлари «Комитета» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 3-бандда:

иккинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;

еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

бешинчи хатбошидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари тегишинча «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

г) 4, 5 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

д) 9-банддаги «Агентликнинг бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари директорларига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Вете-

ринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига, Қорақалпогистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 10-банддаги «Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 13-банддаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлик» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 14-банддаги «Агентлик» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 16-банддаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 18-банддаги «Агентлик бош директори» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 1 — 13-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида Чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3283-сон қарори 2-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпогистон Республикасида Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4512-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошиси ва 14-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 17-банддаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

ги» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси,» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг учинчи хатбошисидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 6-позицияси «Масъуллар» устунидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ветеринария қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 ноябрдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4538-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 12, 12.1, 12.2 ва 13-позициялари «Чора-тадбирларнинг номланиши» устунидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ветеринария қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарорига 1-илованинг 2-банддаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-4817-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

в) 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-52-сон қарорида:

а) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

тўртинчи хатбоши ва 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

б) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «Боғдорчилик ва иссиқхона хў-

жалигини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартағи «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рафбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-103-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси «рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган» сўзларидан кейин «ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошмаган» сўзлари билан тўлдирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги «Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғарма-си фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 433-сон қарорида:

а) 1-илова\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

б) 3-иловада:

7-банднинг еттинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигига» сўзлари «Иқтиодиёт ва молия вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддан учинчи хатбоши чиқарип ташлансин;

17-бандда:

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалиги ва томорқа хизмати корхоналари, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналарни харид қилиш ва ўрнатишга 36 ойгача имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунда, кредит 60 фоизининг гаров таъминоти сифатида ўрнатиладиган қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналар олинади, 40 фоизининг гаров таъминоти сифатида уларни қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси олинади, шунингдек, кредит суммаси ташаббускорларга қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналар ўрнатиб берилгандан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади»;

саккизинчи — йигирма бешинчи хатбошилар тўққизинчи — йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшashi республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатида:

а) қўйидаги мазмундаги 142<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

142 <sup>1</sup> .	8424821000	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар хисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчиллик учун ёмғирлатиб сугориш қурилмалари (стационар ва мобил ёмғирлатиб сугориш тизимлари)
--------------------	------------	---

»;

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) қуидаги мазмундаги 143<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

143 <sup>1</sup> .	8424900000	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар ҳисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчиллик учун сугориш қурилмалари (стационар ва мобил ёмғирлатиб сугориш тизимлари) бутловчи ва эҳтиёт қисмлари
--------------------	------------	--

».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 июндаги  
ПФ-90-сон Фармонига  
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган айrim ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартағи «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5690-сон Фармони 4-бандининг тўққизинчи хатбошиси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5708-сон Фармонининг 1, 4, 5, 7, 9 ва 10-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6061-сон Фармоннинг 10-банди ва 1-иловаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-6217-сон Фармонига 1-илованинг 3-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6259-сон Фармонига илова 5-бандининг «б», «в», «е», «ж» ва «з» кичик бандлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сон Фармонига 3-илованинг 10-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси-

нинг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қарорига 8-илованинг 28-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 1 — ба-иловалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-17-сон қарорининг 13-банди ҳамда 6-иловаси.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-277-сон қарорига 5-илованинг 3 — 7-бандлари.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 753-сон қарорининг 1-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошилари, 1 ва 3-иловалари.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 833-сон қарорига 5-илованинг 9-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 471-сон қарорига 3-илованинг 12-банди.

## УЧИНЧИ БЁЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**200** **Маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 9-моддасига мувофиқ маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш Савдо-саноат палатасининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи **Маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқловчи сертификатни (кейинги ўринларда — сертификат) олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар ва уларни бериш тартиби;

сертификат олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;

сертификатни расмийлаштириш ва бериши ради этиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайти орқали икки ой муддатда:

маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича ариза тақдим этиш ва уларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш;

сертификатлар реестрини эълон қилиш имкониятларини яратиш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ўтгач кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 7 июнда эълон қилинган.

Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Баш вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 7 июнь,  
231-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2023 йил 7 июндаги 231-сон қарорига  
ИЛОВА

**Маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага  
келадиган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор)  
холатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинги ўринларда — Палата) томонидан маҳаллий хўжалик шартномалари (кейинги ўринларда — шартнома) доирасида Ўзбекистон Республикаси худудида бошланган ёки бўлиб ўтган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатларини (кейинги ўринларда — форс-мажор холатлар) тасдиқлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар шартлари доирасида юзага келадиган форс-мажор холатларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Форс-мажор холатлар Палата раисининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқланган ҳамда ушбу Низомга 1-ило-вадаги\* электрон шаклда QR-код (матрик штрихли код) билан расмийлаштириладиган сертификатни бериш орқали тасдиқланади.

Сертификат муддатсиз даврга берилади. Сертификат бир марталик хусусиятга эга бўлиб, фақат аризада кўрсатилган шартномавий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**сертификат** — Палата томонидан ушбу Низом талабларига мувофиқ берилган ва форс-мажор холатларни тасдиқловчи давлат намунасидаги расмий хужжат;

**талағор** — шартнома доирасида форс-мажор холатларни тасдиқлаш мақсадида хужжатларни тақдим этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тадбиркорлик субъекти бўлган жисмоний ва юридик шахслар (шартнома тарафи);

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси резидентлари** — Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари ва Солик кодексининг 33-моддаси биринчى қисмида назарда тутилган юридик шахслар;

**форс-мажор ҳолатлар** — томонларнинг хоҳиш-иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (оммавий норозиликлар, уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш, халқаро санкцияларнинг жорий этилиши ва бошқалар), объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (эпидемия, пандемия, карантин), техноген оғатлар (ёнгиллар, портлашлар ва бошқалар), инфратузилма тармоқларидаги (транспорт, энергетика тизимларидаги), фавқулодда ва кенг миёсдаги кутилмаган авариялар, узилишлар сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар;

**шартнома** — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ўртасида тузилган шартнома.

## 2-боб. Сертификат олиш учун ариза бериш тартиби

4. Сертификат талабгорнинг аризасига асосан ушбу Низомга 2-иловада-ги\* схемага мувофиқ Палата томонидан расмийлаштирилади ва берилади.

5. Сертификат бериш тўғрисидаги ариза Палатага тўғридан-тўғри ёки унинг расмий веб-сайти орқали берилиши мумкин.

Ариза талабгор бўлган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахснинг раҳбари ёки унинг номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади.

Аризада қўйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

ариза берувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахснинг тўлиқ номи (давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ);

сертификат бериладиган шартнома(лар)нинг реквизити ва предмети;

талабгорнинг мазкур шартнома(лар) бўйича мажбуриятлари, уларни бажариш тартиби ва муддатлари;

талабгор шартнома(лар) бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришга тўсқинлик қилган деб ҳисоблайдиган форс-мажор ҳолатларнинг тавсифи (улар содир бўлган жой, вақт, давр ҳамда уларнинг таъсири);

форс-мажор ҳолат амал қилиш муддатининг бошланганлиги ва тугаганилиги (агар тугаган бўлса);

аризага илова қилинадиган хужжатлар рўйхати;

талабгорнинг реквизитлари (почта манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва бошқалар) тўғрисидаги маълумот.

Аризада форс-мажор ҳолат билан боғлиқ қушимча маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Аризага қўйидагилар илова қилинади:  
шартнома(лар), қўшимча келишув(лар) (мавжуд бўлган тақдирда);  
шартнома(лар) бўйича бажарилган мажбуриятларнинг ҳажмларини тас-  
диқловчи ҳужжатлар;  
форс-мажор ҳолат юзага келганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (материал-  
лар).

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш  
тақиқланади.

7. Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар ариза берувчи якка тар-  
тибдаги тадбиркор, юридик шахснинг раҳбари ёки ишончнома асосида унинг  
вакили томонидан имзоланиши лозим.

8. Мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида келтирилган маълумотлар ва  
ҳужжатлар талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаган бўлса ёки тақдим  
этилган ҳужжатлардаги маълумотлар форс-мажор ҳолатни тасдиқлаш учун  
етарли бўлмаса, Палата сертификат бериш тўғрисидаги ариза келиб туш-  
ган кундан бошлаб бир иш куни ичida талабгорга тўлиқ тақдим этилмаган  
маълумот ва ҳужжатларни беш кун ичida тақдим этиш тўғрисида сўров  
юборади.

Сўров аризада кўрсатилган манзилга юборилади.

Агар талабгор томонидан сўралган маълумотлар ва ҳужжатлар белгилан-  
ган муддатда тақдим этилмаса ёки ушбу муддатни узайтириш тўғрисида ил-  
тимоснома берилмаган бўлса, ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ Палата  
томонидан сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Талабгорнинг илтимосига кўра тўлиқ тақдим этилмаган маълумот ва  
ҳужжатларни бериш муддати кўпи билан икки кун муддатга узайтирилиши  
мумкин.

### **3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва сертификатни бериш тартиби**

9. Палата қабул қилинган ҳужжатлар бўйича қўйидагиларни ўрганади:  
шартнома бўйича мажбуриятларнинг мавжудлиги ва уларни бажариш  
муддатлари;  
шартнома тарафларининг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган,  
фавқулодда ва енгиб бўлмайдиган хусусиятга эга ҳолатлар, шунингдек, ушбу  
ҳолатларни тасдиқловчи ваколатли органлар (ташкилотлар) ҳужжатлари-  
нинг мавжудлиги;

содир бўлган ҳолатлар ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш  
муддатларини инобатга олган ҳолда, уларни тўлиқ ёки қисман бажара олмас-  
лик ўртасидаги сабабли боғлиқлик;

форс-мажор ҳолатларнинг амал қилиш муддатлари;  
шартнома тарафларининг форс-мажор ҳолатлар вужудга келишида алоқа-  
си йўқлиги.

10. Аризада кўрсатилган ҳолатларнинг ҳаққонийлиги Палата томони-  
дан мустакил равишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжа-

лик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлардан тегишли маълумотларни сўраб олиш орқали аниқланади.

11. Республика ижро этувчи органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Палатанинг сўрови келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичидаги сўралаётган маълумотларни ёзма шаклда бепул тақдим этиши шарт.

12. Талабгорга сертификат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Палата томонидан ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кун ичидаги қабул қилинади.

13. Палата томонидан талабгорга сертификат берилган тақдирда, сертификат расмийлаштирилган куннинг ўзида бу ҳақда талабгорга маълум қилинади ҳамда сертификат ва у билан боғлик барча хужжатлар Палатанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

14. Сертификат беришни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:  
Палата томонидан ўтказилган ўрганишларга асосан аризада кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганлиги;

аризага илова қилинган хужжатларда нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганлиги;

шартнома бўйича мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси худудида бошланмаган ёки содир бўлмаган форс-мажор ҳолатлар оқибатида бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси худудида шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятнинг бажариб бўлинганлиги;

шартнома бўйича мажбуриятнинг бажарилмаганлиги форс-мажор ҳолатлар давом этган муддатларга мувофиқ эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига мувофиқ талаборнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилганлиги, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда мавжуд эмаслиги, талаборда зарур маблағларнинг бўлмаганлиги;

форс-мажор ҳолат суд қарорига асосан тасдиқланганлиги;  
ушбу Низомнинг 11-бандига мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг форс-мажор ҳолатлар мавжуд эмаслиги бўйича асослантирилган маълумотлари олинганлиги.

Бошқа асосларга кўра сертификат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.  
15. Палата томонидан сертификат бериш рад этилган тақдирда, талабгорга аризада кўрсатилган манзил орқали уч иш куни ичидаги асослантирилган жавоб хати юборилади.

16. Сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг қайта киритилган ариза кўриб чиқилмайди, мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

17. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган муддатлардан кечики тақдим этилган ариза янгидан киритилган ҳисобланади ва Палата томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Талабор сертификат бериш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор, шу-

нингдек, Палата мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (харакатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

19. Палата томонидан берилган сертификатлар реестри ушбу Низомга З-иловага\* мувофиқ Палатанинг расмий веб-сайтида автоматик шаклда юритилади.

20. Зарур ҳолларда Палата томонидан тадбиркорлик субъектларига сертификат бериш, форс-мажор ҳолатларни тасдиқлаш ва сертификат олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёни бўйича маслаҳатлар берилади.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 MADANIYAT VA TURIZM VAZIRLIGINING  
 QARORI

**201 Pochta to'loving davlat belgilari davlat kolleksiyasi  
to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
5-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2077-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda Madaniyat va turizm vazirligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston aloqava axborotlashtirish agentligi va O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligining 2010-yil 13-yanvardagi 10-8/125 va 1-QQ-son qarori (ro'yxat raqami 2077, 2010-yil 4-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 5-son, 49-modda) bilan tasdiqlangan Pochta to'loving davlat belgilari davlat kolleksiyasi to'g'risidagi nizomga ilova muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Raqamli texnologiyalar vaziri**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 29-may,  
248-mh-son

**Madaniyat va turizm vaziri**

**O. NAZARBEKOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
2077-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 5-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil  
29-maydagi 248-mh-son hamda Madaniyat va  
turizm vazirligining 2023-yil 15-maydagi  
2077-son qaroriga  
ILOVA

**Pochta to'loving davlat belgilari davlat kolleksiyasi  
to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 2 va 10-bandlardagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.
2. 3-banddagи, 11 va 14-bandlarning birinchi xatboshilaridagi hamda 16-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR VAZIRINING  
BUYRUG'I

**202 Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2219-13*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi va 2023-yil 25-yanvardagi PF-14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo'lga qo'yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida”gi farmonlariga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2011-yil 22-fevraldag'i 1-yu-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2219, 2011-yil 18-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 16-son, 167-modda) bilan tasdiqlangan Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
243-mh-son

O'zbekiston Respublikasi  
raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil  
15-maydag'i 243-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga  
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 6, 42, 49 va 53-bandlarning ikkinchi xatboshilaridagi va 43-banddag'i “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi” degan so'zlar “Raqamlı texnologiyalar vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 74-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Davlat bojxona qo'mitasi” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 101-banddag'i “O'simliklar karantini va himoyasi agentligi va O'zbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish davlat qo'mitasi” degan so'zlar “Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi O'simliklar karantini va himoyasi

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 5-iyunda e'lon qilingan.

agentligi hamda Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 3-ilovaning 3-bandida:

a) “v” kichik bandda:

uchinchchi xatboshidagi “Madaniyat vazirligi” degan so‘zlar “Madaniyat va turizm vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Tabiat resurslari vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“yig‘ish va ov qilish cheklangan yoki vaqtinchalik taqiqlangan o‘simgiliklar va hayvonlar — O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi O‘simgiliklar karantini va himoyasi agentligi hamda Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo‘mitasi va O‘zbekiston Respublikasi Tabiat resurslari vazirligi tomonidan tegishli taqiqlar va chekllovlar amal qilishi davrida.”;

b) “g” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “Madaniyat vazirligi Badiiy ekspertiza boshqarmasining” degan so‘zlar “Madaniy meros agentligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING  
BUYRUG'I

**203 Pochta, kuryerlik jo'natmalari pochta xavfsizligi yuzasidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2428-7*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son "Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2023-yil 25-yanvardagi PF-14-sun "Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo'lga qo'yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasining 2013-yil 21-yanvardagi 6-mh-son qarori (ro'yxat raqami 2428, 2013-yil 18-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 8-son, 107-modda) bilan tasdiqlangan Pochta, kuryerlik jo'natmalari pochta xavfsizligi yuzasidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
244-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 5-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil  
15-maydagi 244-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Pochta, kuryerlik jo'natmalari pochta xavfsizligi yuzasidan  
nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga  
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-bandning to'rtinchi xatboshisidagi "Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati" degan so'zlar "Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 1-ilovaning sxemasidagi "Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining" degan so'zlar "Raqamli texnologiyalar vazirligining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING  
BUYRUG'I

**204 O'zbekiston Respublikasi pochta to'lovining davlat belgilari  
to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
5-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2529-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasining 2013-yil 21-oktabrdagi 58-mh-son qarori (ro'yxat raqami 2529, 2013-yil 22-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 47-son, 624-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi pochta to'lovining davlat belgilari to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
245-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 5-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil  
 15-maydagi 245-mh-son buyrug'iga  
 ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi pochta to'lovining davlat belgilari  
 to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 15-banda:

beshinchи xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Pochta emissiyalari bo'yicha komissiya Raqamli texnologiyalar vazirining o'rinnbosarlaridan biri tomonidan boshqariladi, uning tarkibiga Vazirlik, milliy operator, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va turizm vazirligi hamda boshqa tegishli vazirliklar va idoralarning mutaxassislari, O'zbekiston filatelistlari jamiyatining vakillari kiritilishi mumkin.”;

sakkizinchи xatboshidagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vaziri” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vaziri” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 19-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vaziriga” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vaziriga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 29-bandning birinchi xatboshisi, 51-bandning ikkinchi xatboshisi va 52-bandning birinchi xatboshisidagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vaziri” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vaziri” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҶАРОРИ**

**205** **Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 деқабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3252/1098-сон) билан тасдиқланган Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 май,  
14/11-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
26 майдаги 14/11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 6-баннадаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-бандда:

биринчи хатбошидаги «, банк акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилар» деган сўзлар «ва акциядорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқаруб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсан:

«имтиёзли солик режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки худудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки худудда яшайдиган жисмоний шахслар (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно).»

Мазкур банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар банк акцияларига билвосита ҳам эгалик қилиши мумкин эмас.».

3. 67-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсан:

«Мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган маълумот банк акциялари чет эл фонд бозорларида сотиб олинганда тақдим этилмайди.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**206** **Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг  
клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3439*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 181-сон «Дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ривожлантириш ҳамда уларнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ўтказилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуqlарини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо саноат палатаси билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 май,  
12-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

2023 йил 28 апрель

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 июнда эълон қилинган.

*Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиши қўмитаси раиси*

*Ш. ШАРАХМЕТОВ*

2023 йил 25 апрель

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

2023 йил 20 апрель

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил  
16 майдаги 12-сон бўйруғига  
ИЛОВА

### **Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Ушбу Низом фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини (бундан бўён матнда клиник тадқиқотлар деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (бундан бўён матнда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилади) ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» давлат унитар корхонасига (бундан бўён матнда Давлат маркази деб юритилади) фармакологик воситалар ва (ёки) дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома олиш учун мурожаат қилувчи юридик шахс (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил);

**аудит** — клиник тадқиқотнинг клиник тадқиқот баённомаси ҳамда O'z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандарти талабларига мувофиқ ҳолда ўтказилаётганлигини аниqlаш учун ариза берувчи томонидан ўтказиладиган комплекс ва мустақил текширув;

**дори воситалари** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

**женирик дори воситаси** — оригинал дори воситаси каби миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ва худди шундай дори шаклига эга, тегишли фармако-

кинетик тадқиқотлар ёрдамида унинг оригинал дори воситасига биоэквивалентлиги тасдиқланган дори воситаси;

**индивидуал қайд қилиш шакли** — ҳар бир клиник тадқиқот субъекти бўйича клиник тадқиқот баённомасида кўзда тутилган барча маълумотларни киритишга ва ариза берувчига тақдим этишга мўлжалланган, қофоз ёки электрон ташувчидағи хужжат;

**клиник база** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган, фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиши мумкин бўлган даволаш-профилактика муасасалари;

**клиник тадқиқот** — фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида уларнинг фармакологик хоссаларини, ножўя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсир самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш учун одам иштирокида ўтказиладиган тадқиқот;

**клиник тадқиқот баённомаси** — ариза берувчи томонидан О‘з DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандартига мувофиқ тайёрланадиган, клиник тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, дизайни, методологияси, клиник тадқиқот субъектларини танлаб олиш мезонлари, тадқиқот ўтказилаётган фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш усувлари, шунингдек ўтказилаётган клиник тадқиқотга оид бошқа статистик маълумотларни акс эттирувчи хужжат;

**клиник тадқиқот раҳбари** — клиник базада клиник тадқиқотни ўтказишига масъул бўлган, барча шифокор-тадқиқотчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи шифокор;

**клиник тадқиқот субъекти** — тадқиқ қилинаётган фармакологик восита ёки дори воситасини қабул қилаётган гурух ёки назорат (қиёсий) гуруҳи таркибида клиник тадқиқотда иштирок этувчи, дори воситасини қабул қилувчи бемор;

**клиник тадқиқот субъектининг ёзма розилиги** — клиник тадқиқот субъектининг (ёки унинг қонуний вакилининг) клиник тадқиқот тўғрисидаги барча маълумотларни олгандан кейин, муайян клиник тадқиқотда қатнашишга ўз розилигини ихтиёрий равишда беришини тасдиқловчи, клиник тадқиқот субъекти (ёки унинг қонуний вакили), шифокор-тадқиқотчи ва гувоҳ томонидан имзоланган ҳамда санаси кўрсатилган хужжат;

**клиник тадқиқот ҳисоботи** — клиник база томонидан ариза берувчига тақдим қилинадиган ёзма шаклдаги клиник тадқиқот натижаларини акс эттирувчи хужжат;

**кўп марказли клиник тадқиқот** — биттадан ортиқ клиник базада ягона клиник тадқиқот баённомаси бўйича ўтказиладиган клиник тадқиқот;

**мониторинг** — клиник тадқиқотни ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштириш жараёнининг клиник тадқиқот баённомаси ҳамда O‘z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандарти та-

лабларига мувофиқ ҳолда ўтказилаётганлигини назорат қилиш мақсадида ариза берувчи томонидан бутун клиник тадқиқот давомида доимий равишда ўтказиладиган текширув;

**оригинал дори воситаси** — сифати, самарадорлиги ва хавфсизлиги клиник олди тадқиқотлар натижалари асосида тасдиқланган, янги таъсир этувчи моддага эга бўлган дори воситаси;

**шифокор-тадқиқотчи учун брошюра** — тадқиқ этилаётган фармакологик воситалар ёки дори воситалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек уларни одамда текширилиши учун мухим бўлган клиник (агар ўтказилган бўлса) ва клиник олди тадқиқотлари натижаларининг рефератив баёни;

**шифокор-тадқиқотчи** — клиник базада фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг бевосита клиник тадқиқотини ўтказувчи мутахассис;

**фармакологик воситалар** — муайян дори шаклига, клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси;

**Фармакология қўмитаси** — Давлат марказининг фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларига доир масалалар юзасидан масъул бўлган таркибий тузилмаси;

**Этика қўмитаси** — клиник тадқиқотларни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги юзасидан этика экспертизасини ўтказиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт, илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларидан иборат таркибда тасдиқланадиган, жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи коллегиал орган;

**қонуний вакил** — клиник тадқиқот субъекти номидан клиник тадқиқотда ихтиёрий иштирок этишга розилик бериш хукуқига эга бўлган жисмоний шахс (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар).

2. Дори воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказиша клиник тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш шароитлари «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» талабларига мувофиқлиги бўйича ўрганишлар ўтказиш талаб этилмайдиган дори воситалари рўйхатига кирмаганда, ушбу дори воситалари клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Фармакологик воситалар факат клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

3. Фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тўғрисидаги қарор Фармакология қўмитасининг тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган Экспертлар кенгаши (бундан буён матнда Экспертлар кенгashi деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

## **2-боб. Клиник тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш**

4. Клиник тадқиқотлар мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

5. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг намуналари дастлаб Давлат марказининг лабораторияларида олтмиш беш кунгача бўлган муддатда лаборатория синовларидан ўтказилади.

6. Лаборатория синовлари якунлангандан сўнг, Давлат маркази олтмиш беш кунгача бўлган муддатда ариза берувчи томонидан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартағи 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандида назарда тутилган хужжатларнинг (бундан буён матнда давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатлари деб юритилади) маъмурий, фармакологик, токсикологик ва клиник қисмларини экспертизадан ўтказади, уларни Давлат маркази лабораторияларининг хулосалари билан таққослади.

7. Лаборатория синовларининг натижалари ижобий бўлиб, бироқ давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатларининг экспертизаси жараёнида камчиликлар аниқланганда, Давлат маркази ариза берувчига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида «uzpharminfo.uz» электрон тизими (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) орқали хабарнома юборади.

Ариза берувчи ушбу хабарномани олган вақтдан эътиборан қирқ беш кун ичida хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, тегишли хужжатларни Давлат марказига электрон тизим орқали тақороран тақдим этади.

Ўтказилган лаборатория синовларининг натижалари салбий бўлганда, Давлат марказининг Рўйхатдан ўтказиш бўлими Экспертлар кенгашига фармакологик воситалар ёки дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш масаласини киритади.

8. Лаборатория синовларининг натижалари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатларининг экспертиза натижалари ижобий бўлганда, Фармакология қўмитаси мазкур натижалар олинган вақтдан бошлаб ўн беш кун ичida фармакологик воситалар ёки дори воситаларини клиник тадқиқотлар ўтказилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш мумкинлиги тўғрисида Экспертлар кенгашига тавсиялар киритади.

9. Фармакология қўмитаси томонидан фармакологик воситалар ёки дори воситаларини клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги тавсия берилганда, Экспертлар кенгаши ушбу тавсия олинган вақтдан бошлаб бир иш куни ичida клиник тадқиқотларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

10. Экспертлар кенгашининг қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб бир иш кун ичida Фармакология қўмитаси томонидан ариза берувчига электрон

\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

тизим орқали клиник тадқиқотларни ўтказиш мумкинлиги, клиник тадқиқот учун тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни тақдим этиш муддати, шунингдек ўтказиладиган клиник тадқиқотларнинг тури, дизайнни ҳамда ушбу тадқиқотлар ўтказилиши мумкин бўлган клиник базалар рўйхати кўрсатилган хабарнома юборилади.

Бунда, хабарномага лаборатория синовларининг натижалари илова қилинади.

11. Ариза берувчи хабарномани олган кундан эътиборан қирқ беш кун ичida Фармакология қўмитасига қўйидаги ҳужжатларни электрон тизим орқали тақдим этади:

O'z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандартига мувофиқ тузилган клиник тадқиқот баённомаси лойиҳаси;

мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги индивидуал қайд қилиш шакли;

мазкур Низомнинг 3-иловасида\* назарда тутилган маълумотларни ўзида акс эттирган клиник тадқиқот субъекти учун маълумотнома;

мазкур Низомнинг 4-иловасида\* назарда тутилган маълумотларни ўзида акс эттирган клиник тадқиқот субъектининг клиник тадқиқотларда ихтиёрий иштирок этиши учун розилик шакли;

O'z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандартига мувофиқ тузилган шифокор-тадқиқотчи учун брошюра;

мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклдаги клиник тадқиқот раҳбари билан клиник тадқиқотни ўтказиш юзасидан келишув;

клиник тадқиқот раҳбарининг тиббий фаолияти тўғрисида маълумот;

клиник тадқиқот субъектининг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигига доир суфурта шартномасининг нусхаси (суфурта полиси).

12. Ариза берувчи томонидан мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳужжатлар (бундан буён матнда клиник тадқиқот ҳужжатлари деб юритилади) тўлиқ тақдим этилган кундан эътиборан икки иш кун ичida Фармакология қўмитаси томонидан ушбу ҳужжатлар дастлабки экспертиза-дан ўтказилади.

13. Клиник тадқиқот ҳужжатлари қирқ беш кун ичida ариза берувчи томонидан тақдим этилмаса, Фармакология қўмитаси томонидан Экспертлар кенгашига фармакологик восита ёки дори воситасининг клиник тадқиқоти бўйича иш юритилишини тўхтатиши масаласи киритилади ҳамда Экспертлар кенгashi томонидан клиник тадқиқот бўйича иш юритилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

14. Дастлабки экспертиза натижасида ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда қўйидаги камчиликлар аниқланган ҳолларда, Фармакология қўмитаси ушбу камчиликларни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда ариза берувчига электрон тизим орқали хабарнома юборади:

клиник тадқиқот субъекти учун маълумотномада фармакологик восита ёки дори воситасининг хусусиятлари, қўллаш мумкин бўлмаган ҳолат-

\* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар, юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирлар тўлиқ акс эттирилмаганлиги;

клиник тадқиқот баённомасида келтирилган текширув усуулларининг илмий жиҳатдан асосланмаганлиги;

клиник тадқиқот баённомасида фармакологик восита ёки дори воситасининг хавфсизлиги ва самарадорлиги мезонларининг тўлиқ акс эттирилмаганлиги.

Бунда, хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

15. Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган камчиликларни ушбу хабарномада белгиланган муддатда бартараф этган ҳолда клиник тадқиқот хужжатларини электрон тизим орқали Фармакология қўмитасига такроран тақдим этади.

16. Клиник тадқиқот хужжатларининг дастлабки экспертизаси ўтказилганидан сўнг, ўн беш кун ичидаги ушбу хужжатлар Фармакология қўмитаси томонидан мустақил эксперт жалб этилган ҳолда ихтисослаштирилган экспертизадан ўтказилади.

Бунда, мустақил эксперт сифатида клиник тадқиқотлар соҳасида зарур билим ва кўнимкага эга бўлган мутахассислар жалб этилади.

Ихтисослаштирилган экспертиза жараёнида мустақил эксперт томонидан:

клиник тадқиқот ўтказиладиган клиник база, клиник тадқиқот дизайни ва қиёсий дори воситаси тўғри танланганлиги;

текширилаётган фармакологик ёки дори воситасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганишда илфор замонавий текшириш усууллари танланганлиги текширилади.

17. Клиник тадқиқот хужжатлари мазкур Низомнинг 16-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлганда, мустақил эксперт томонидан ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича ижобий хulosса берилади.

Мустақил эксперт томонидан ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича ижобий хulosса берилганда, Фармакология қўмитаси клиник тадқиқот хужжатларини бир иш куни ичидаги электрон тизим орқали Этика қўмитасига юборади.

18. Клиник тадқиқот хужжатларида мазкур Низомнинг 16-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган мезонларга номувофиқликлар аниқланган тақдирда, мустақил эксперт томонидан салбий хulosса берилади ҳамда Фармакология қўмитаси томонидан ариза берувчига аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш муддати кўрсатилган ҳолда электрон тизим орқали хабарнома юборилади.

Бунда, хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган камчиликларни ушбу хабарно-

мада белгиланган муддатда бартараф этган ҳолда клиник тадқиқот ҳужжатларини электрон тизим орқали Фармакология қўмитасига такroran тақдим этади.

Ариза берувчи томонидан такroran тақдим этилган клиник тадқиқот ҳужжатлари улар электрон тизим орқали келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичida мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

19. Этика қўмитасида клиник тадқиқотларни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хulosса бериш мақсадида этика экспертизаси ўтказилади.

Клиник тадқиқотларини ўтказишга мазкур тадқиқотларни ўтказиш этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисидаги этика экспертизасининг хulosасисиз йўл қўйилмайди.

20. Этика қўмитасининг мажлиси бир ойда камида бир марта ўтказилади. Этика қўмитасига тақдим этилган ҳужжатлар унинг мажлисида муҳокама қилинади.

Этика қўмитаси муҳокама натижалари асосида:

клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида;

клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланмаганлиги тўғрисида хulosса беради.

Этика қўмитасининг хulosаси Этика қўмитаси мажлисининг баённомаси кўринишида расмийлаштирилади ҳамда Этика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

21. Этика қўмитаси томонидан клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хulosса берилганда, Этика қўмитаси мазкур хulosани беш иш куни ичida электрон тизим орқали Фармакология қўмитасига юборади.

Этика қўмитасининг клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хulosаси Фармакология қўмитаси томонидан дарҳол электрон тизим орқали ариза берувчига юорилади.

22. Этика қўмитаси томонидан қўйидаги ҳолларда клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланмаганлиги тўғрисида хulosса берилади:

клиник тадқиқотни ўтказиш учун фармакологик восита ёки дори воситасининг қўлланилиш соҳасига номувофиқ клиник база танланганда;

клиник тадқиқот баённомасидаги клиник тадқиқот дизайнни ва статистик таҳлил усули O'z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандарти талабларига мувофиқ келмаганда;

клиник тадқиқот субъекти учун маълумотнома матни мазкур Низомнинг З-иловасига мувофиқ келмаганда.

23. Клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланмаганлиги тўғрисидаги хulosаси Этика қўмитаси томонидан беш иш куни ичida электрон тизим орқали Фармакология қўмитасига юорилади.

Фармакология қўмитаси Этика қўмитасининг клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланмаганлиги тўғрисидаги хulosаси келиб

тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида ариза берувчига мазкур хulosса берилиши учун асос бўлган, ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган камчиликларни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали хабарнома юборади.

Бунда, хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган камчиликларни ушбу хабарномада белгиланган муддатда бартараф этган ҳолда клиник тадқиқот ҳужжатларини электрон тизим орқали Фармакология қўмитасига такroran тақдим этади. Фармакология қўмитаси такroran тақдим этилган клиник тадқиқот ҳужжатларини электрон тизим орқали дарҳол Этика қўмитасига юборади.

Ариза берувчи томонидан такroran тақдим этилган клиник тадқиқот ҳужжатлари Этика қўмитаси томонидан мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

24. Этика қўмитасининг клиник тадқиқотни ўтказишнинг этика жиҳатдан асосланганлиги тўғрисидаги хulosаси Фармакология қўмитасига келиб тушгандан сўнг ўн беш кун ичида клиник тадқиқот ҳужжатлари ва ариза берувчи томонидан танланган клиник база Фармакология қўмитасининг навбатдаги мажлисида маъқулланади ҳамда клиник тадқиқотни ўтказишни бошлаш мумкинлиги тўғрисида ариза берувчига ва клиник тадқиқотни ўтказувчи клиник база раҳбарида электрон тизим орқали хабарнома юборилади.

Фармакология қўмитасининг мажлислари бир ойда камида бир марта ўтказилади.

25. Оригинал дори воситаларининг, шунингдек фармакологик воситаларнинг клиник тадқиқотлари кўп марказли клиник тадқиқот тарзида ягона клиник тадқиқот баённомаси бўйича икки ва ундан ортиқ клиник базада ўтказилади.

Женерик дори воситаларининг клиник тадқиқотлари битта клиник базада ўтказилади.

### **3-боб. Клиник базада клиник тадқиқотларни ўтказиш**

26. Фармакология қўмитасининг клиник тадқиқотни ўтказишни бошлаш мумкинлиги тўғрисидаги хабарномаси олингандан сўнг, ўн беш кун ичида ариза берувчи клиник база раҳбари билан клиник тадқиқотни ўтказиш тўғрисида шартнома тузади.

Клиник база раҳбари ариза берувчидан тадқиқ этилаётган фармакологик восита ёки дори воситасини, қиёсий дори воситаси ва унинг сифат сертификатини (агар клиник тадқиқот баённомасида кўзда тутилган бўлса), Давлат марказининг лабораторияларида ўтказилган лаборатория синови натижаларини ва клиник тадқиқот ҳужжатларини далолатнома асосида қабул қилиб олади.

Далолатнома ариза берувчи ва клиник база раҳбари томонидан имзоланади.

27. Клиник тадқиқотда клиник тадқиқот субъективининг иштироқи унинг

ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

Клиник тадқиқот вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз субъект иштирокида ўтказилган ҳолларда, тадқиқот бошланишидан олдин унинг қонуний вакилидан мазкур Низомнинг 4а-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган ёзма равишда розилик олиниши лозим.

28. Клиник тадқиқот раҳбари клиник тадқиқот субъектига ушбу тадқиқот усулининг аҳамияти, тадқиқотнинг моҳияти ва эҳтимол тутилган хавфи хақида батафсил тушунтириб бериши шарт. Клиник тадқиқот субъекти тадқиқотнинг исталган босқичида унда иштирок этишни рад қилишга ҳакли.

Клиник тадқиқот субъекти фармакологик восита ёки дори воситаси қўлланилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган, клиник тадқиқот субъекти учун маълумотномада келтирилган барча ножӯя таъсиrlарга тўлиқ текширувлардан ўтказилгандан сўнг, клиник тадқиқот раҳбари (шифокор-тадқиқотчи) томонидан клиник тадқиқотга жалб қилинади.

29. Клиник тадқиқотнинг сифатли ўтказилишини назорат қилиш ариза берувчи томонидан мониторинг ва аудит ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг ва аудит ариза берувчи томонидан мустақил ёки клиник тадқиқотлар соҳасида зарур билим ва қўникмага эга бўлган мутахассислар жалб этилган ҳолда O'z DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандарти талабларига мувофиқ ўтказилади.

30. Клиник база раҳбари клиник тадқиқот вақтида пайдо бўлган барча ножӯя таъсиrlар ва ҳолатлар юзасидан беш кун ичida Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзма шаклда хабар бериши лозим.

Клиник тадқиқот субъектининг ҳаёти, соғлиғи учун таҳдид пайдо бўлган тақдирда, клиник база раҳбари клиник тадқиқотни тўхтатиб туриши ҳамда тадқиқотни давом эттириш ёки тўхтатиб тўғрисида қарор қабул қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигини бир иш куни ичida ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

31. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан клиник база раҳбарининг хабарномаси мазкур хабарнома келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни ичida кўриб чиқилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўйидаги ҳолларда клиник тадқиқотни тўхтатиб тўғрисида қарор қабул қиласи ҳамда мазкур қарорнинг нусхасини Давлат марказига ва клиник база раҳбарига юборади:

камиди бир нафар клиник тадқиқот субъектида жиддий ножӯя таъсиrl (анафилактик шок) юз берганида (субъект реанимация бўлимига оғир ахволда тушганида);

жиддий ножӯя таъсиrl оқибатида клиник тадқиқот субъектида ногиронлик ёки ўлим ҳолати юз берганда;

клиник тадқиқот субъектларининг камиди ўттиз фоиз қисмida жиддий бўлмаган ножӯя таъсиrl юз берганда;

клиник тадқиқот жараёнода клиник тадқиқот субъектларининг камиди

ўттиз фоиз қисмida фармакологик восита ёки дори воситасининг самарасиз эканлиги аниқланган ҳолларда.

32. Клиник тадқиқот муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда, клиник тадқиқот ҳисоботи клиник тадқиқотни тўхтатиши тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори қабул қилингунига қадар амалга оширилган ишлар ҳолати бўйича тайёрланади ҳамда клиник база раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда Фармакология қўмитасига юборилади.

Клиник база раҳбари томонидан тақдим этилган клиник тадқиқот ҳисоботи Фармакология қўмитаси томонидан Экспертлар кенгашига кириллади.

Экспертлар кенгаши ўзининг мажлисида фармакологик восита ёки дори воситасини тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Экспертлар кенгашининг мажлиси ўн беш кунда бир марта ўтказилади.

33. Клиник тадқиқот якунлангандан сўнг клиник тадқиқот раҳбари ва шифокор-тадқиқотчилар томонидан имзоланган индивидуал қайд қилиш шакллари ва клиник тадқиқот субъектларининг розилик бланклари ариза берувчига тақдим этиллади.

34. Ўтказилган клиник тадқиқот якунлари бўйича клиник тадқиқот ҳисоботи тузилади ҳамда клиник тадқиқот раҳбари ва шифокор-тадқиқотчилар томонидан имзоланади.

Клиник тадқиқот ҳисоботи клиник база раҳбари томонидан тасдиқланаб, ариза берувчига тақдим этиллади.

35. Ариза берувчи клиник тадқиқот ҳисоботини олган вақтдан бошлаб бир ой ичида, уни Фармакология қўмитасига тақдим этади.

36. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган клиник тадқиқот ҳисоботи ўн беш кун ичида Фармакология қўмитаси томонидан клиник тадқиқот маъқулланган клиник тадқиқот баённомасига амал қилинган ҳолда ўтказилганиги юзасидан якуний экспертизадан ўтказилади.

Якуний экспертиза натижасида клиник тадқиқот ҳисоботи ва клиник тадқиқот баённомаси ўртасида номувофиқликлар аниқланмаганда, клиник тадқиқот ҳисоботининг якуний экспертизаси натижалари Экспертлар кенгашига кириллади.

37. Экспертлар кенгаши ўзининг мажлисида фармакологик воситалар ёки дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қиласи.

38. Клиник тадқиқот ҳисоботининг якуний экспертизаси натижасида мазкур ҳисобот ва клиник тадқиқот баённомаси ўртасида номувофиқликлар аниқланган ҳолларда, Фармакология қўмитаси ариза берувчига мазкур номувофиқликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида ушбу номувофиқликларни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали хабарнома юборади.

Бунда, хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган номувофиқликларни ушбу хабарномада белгиланган муддатда бартараф этади ҳамда клиник тадқиқот ҳисбботини Фармакология қўмитасига тақороран тақдим этади.

Ариза берувчи томонидан тақороран тақдим этилган клиник тадқиқот ҳисбботи Фармакология қўмитаси ва Экспертлар кенгаши томонидан мазкур Низомнинг 36 ва 37-бандалрида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

#### **4-боб. Клиник тадқиқотларни ўтказиш жараёнида томонларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари**

39. Клиник тадқиқотларни ўтказиш жараёнида Фармакология қўмитаси қўйидаги хуқуқларга эга:

клиник тадқиқотлар турларини (кўп марказли клиник тадқиқот, чекланган ва чекланган қиёсий клиник тадқиқот) белгилаш;

ариза берувчидан клиник тадқиқотга оид ҳужжатларнинг пухта ва сифатли тайёрланишини талаб қилиш;

клиник тадқиқотга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнига тегишли мутахассисларни жалб этиш.

40. Фармакология қўмитаси:

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилган ҳолда экспертизадан ўтказиши;

клиник тадқиқот натижаларини учинчи шахсларга ва ушбу клиник тадқиқотга алоқаси бўлмаган бошқа шахсларга бермаслиги лозим.

41. Клиник тадқиқот раҳбари қўйидаги хуқуқларга эга:

ариза берувчи томонидан тақдим этилаётган фармакологик воситалар ёки дори воситаларини ҳамда қиёсий дори воситасини қабул қилиш;

клиник тадқиқот вақтида клиник тадқиқот субъектининг саломатлигини таъминлаш мақсадида уни клиник тадқиқотдан чиқариб, муқобил даволашга ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш;

ариза берувчи билан келишган ҳолда клиник тадқиқот натижалари асосида илмий мақолалар чоп эттириш.

42. Клиник тадқиқот раҳбари:

клиник тадқиқот бошланишидан олдин клиник тадқиқот субъектларининг клиник тадқиқотда ихтиёрий иштирок этиш юзасидан ёзма розилигини олиши;

текширилаётган фармакологик воситалар ёки дори воситаларини ариза берувчининг йўриқномаларига мувофиқ сақлаши;

клиник тадқиқотларни ўтказиш жараёнида О‘з DSt 2765:2018 «Яхши клиника амалиёти» (GCP) давлат стандарти талабларига риоя қилиши;

индивидуал қайд қилиш шаклидаги маълумотларнинг тўғри, тўлиқ ва тушунарли тўлдирилишини, сақланишини ҳамда ариза берувчига ўз вақтида тақдим қилинишини таъминлаши;

ариза берувчи томонидан мониторинг ва аудит ўтказилишига шароит яратиб бериши лозим.

43. Клиник тадқиқот раҳбари клиник тадқиқот доирасида клиник

тадқиқот субъектларига тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тиббий характерга эга бўлган барча қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгардир.

Клиник базада текширилаётган фармакологик восита ёки дори воситали-ри ҳисобини юритиш юзасидан жавобгарлик клиник тадқиқот раҳбари зим-масига юкландади.

44. Клиник тадқиқот муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда шифо-кор-тадқиқотчи мазкур ҳолат тўғрисида дарҳол клиник тадқиқотга жалб этилган клиник тадқиқот субъектларини хабардор қилиши, уларни мувофиқ равища даволашни ва кузатувини таъминлаши лозим.

45. Ариза берувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

клиник тадқиқот ўтказишнинг барча босқичларида малакали мутахас-сисларни (биостатистлар, клиник фармакологлар, шифокорларни) жалб қилиш;

клиник тадқиқотнинг сифат назоратини таъминлаш мақсадида клиник тадқиқот мониторинги ва аудитини ўтказиш;

Давлат маркази мансабдор шахларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юза-сидан белгиланган тартибда шикоят қилиш.

46. Ариза берувчи:

клиник тадқиқот билан боғлиқ барча ҳаражатларни қоплаши;

клиник тадқиқот бошланишидан олдин сұғурта ташкилоти билан клиник тадқиқот субъектининг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаро-лик жавобгарлигига доир сұғурта шартномасини тузиши;

клиник базага фармакологик воситалар ёки дори воситалари ҳамда қиё-сий дори воситаларини ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаши;

фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг олиб келиниши, қа-бул қилиниши, клиник базага берилиши, клиник база томонидан қайта-рилиши, шунингдек йўқ қилинишини ўрнатилган тартибда расмийлашти-риши лозим.

### **5-боб. Клиник тадқиқотлар жараённада**

#### **Давлат марказининг қарорлари ёки унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш**

47. Ариза берувчи Давлат маркази ҳамда унинг мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан Соғлиқни сақлаш вазир-лигига ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

48. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган шикоят Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжат-ларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

49. Соғлиқни сақлаш вазирлиги шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйи-ча қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

эътироз асоссиз бўлса, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;

эътироз асосли бўлса, қабул қилинган қарорни қайта кўриб чиқиш ёки

унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят мохияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

**6-боб. Якуний қоида**

50. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**207** Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3440*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январга қадар амал қилади.

**Вазир**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 июнь,  
14-сон

*Келишилди:*

*Инвестициялар ва  
ташқи савдо вазири*

*Л. КУДРАТОВ*

2023 йил 2 июнь

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 июнда эълон қилинган.

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

*Д. КАСИМОВ*

2023 йил 15 май

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

2023 йил 15 май

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил  
2 июнданги 14-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш  
шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга  
руҳсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат  
рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган  
дори воситалари ва тиббий буюмлар  
РЎЙХАТИ**

I-боб. Дори воситалари рўйхати		
Т/п	Дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи	Дори шакли
1.	Афлиберцепт (Aflibercept)	Томир ичига киритиш учун эритма/Кўз ичига киритиш учун эритма
2.	Сапроптерин (Sapropterin)	Таблетка 100 мг
3.	Буросумаб (Burosumab)	Инъекция учун эритма 30 мг/мл
4.	Дефлазакорт (Deflazacort)	Таблетка 30 мг
5.	Миглустат (Miglustat)	Капсула 100 мг
6.	Перампанел (Perampanel)	Таблетка 2 мг, 4 мг, 8 мг, 10 мг
7.	Вигабатрин (Vigabatrin)	Таблетка 500 мг; Кукун 500 мг
8.	Модафинил (Modafinil)	Таблетка 5 мг
9.	Тетракозактид (Tetracosactide)	Мушак ичига киритиш учун суспензия 1 мг/1 мл
10.	Митомицин (Mitomycin)	Инъекция эритмаси таёrlаш учун кукун 10 мг, 20 мг
11.	Плериксафор (Plerixafor)	Тери остига киритиш учун эритма 24 мг/1.2 мл.
12.	Пэгфлиграстим (Pegfilgrastim)	Тери остига киритиш учун эритма, 0,6 мл шприц тўпламда игнаси билан, 6 мг/0,6 мл
13.	Дексразоксан (Dexrazoxane)	Инфузия эритмаси таёrlаш учун лиофилланган кукун, 250 мг
14.	Йодланган ёф кислоталарининг этил эфири	Эндолимфатик инъекция учун эритма 480 мг йод /1 мл
15.	Димеркаптопрансульфонат натрий (sodium dimercaptopropane sulfonate)	Тери ости ва мушак ичига киритиш учун эритма 50 мг/мл, 5 мл
16.	Верицигуат (Vericiguat)	Таблетка 5 мг
17.	Риоцигуат (Riociguat)	Таблетка 1 мг
18.	Дабигатрана этексилат (Dabigatran etexilate)	Таблетка 110 мг

19.	Тирофибан (Tirofiban)	Томир ичига инфузия учун эритма фл. 5 мг/100 мл
20.	Кангрелор (Cangrelor)	Инъекция учун эритма 50 мг
21.	Глюкагон (Glucagonum)	Инъекцион эритма таёrlаш учун лиофилланган кукун, түпламда эритувчи билан (1 шприц) 1 мг
22.	Семаглутид (Semaglutide)	Тери остига киритиш учун эритма, шприц-ручкада катридж 1,34 мг/1 мл
23.	Пиридостигмина бромид (Pyridostigmine bromide)	Таблетка 60 мг
24.	Алпростадил (Alprostadiil)	Инфузион эритма таёrlаш учун лиофилланган кукун 20 мкг, 60 мкг
25.	Омализумаб (Omalizumab)	Тери остига киритиш учун эритма тайёрлаш учун лиофилизат 150 мг
26.	Икатибант (Icatibant)	Тери остига киритиш учун эритма 10 мг/мл 3 мл
27.	Бусульфан (Busulfanum)	Пленка кобик билан қолланган таблеткалар 2 мг; вена ичига киритиш учун эритма тайёрлаш учун концентрат 6 мг/мл
28.	Флударабин (Fludarabin)	Вена ичига киритиш учун эритма тайёрлаш учун лиофилизат 25 мг/мл, 50 мг
29.	DC Bead	Коллатерал томирларнинг эмболизацияси учун

**II-боб. Тиббий буюмлар рўйхати**

1.	Интраокуляр линза SWIF модели- бир марталик сарф воситаси	Асоратли катарақта жарроҳлик амалиёти вақтида интраоперацион асоратларда ишлатилади
2.	Интраокуляр линза RSP-3 модели	Асоратли катарақта жарроҳлик амалиёти вақтида интраоперацион асоратларда ишлатилади
3.	Интраокуляр линза T-26 модели	Асоратли катарақта жарроҳлик амалиёти вақтида интраоперацион асоратларда ишлатилади
4.	Ирис ретрактор бир-марталик сарф воситаси	Асоратли катарақта жарроҳлик амалиёти вақтида интраоперацион асоратларда ишлатилади
5.	Иридоконсуляр ретрактор-бир марталик сарф воситаси	Асоратли катарақта жарроҳлик амалиёти вақтида интраоперацион асоратларда ишлатилади
6.	Конъюктива учун аллоплант-сарф воситаси	Қўз олмаси шиллик қаватлари турли сабабларга кўра чандиқланиш холатларида ишлатилади
7.	Склера учун аллоплант-сарф воситаси	Қўз олмаси шиллик қаватлари турли сабабларга кўра чандиқланиш холатларида ишлатилади
8.	Вентрал чурралар (грыжа) пластикаси учун биоматериал («ямок»)	Жарроҳлик амалиётида ишлатилади
9.	Silicone ventral wall defect silo bag	Гастроэзооз холатида кўлланиладиган копча
10.	Laparoscopic surgery retrieval pouch	Лапароскопия ва торакоскопияда эстракция учун кўлланиладиган копча
11.	3 M Iodan Antimicrobial Incise Drape	Микробларга қарши лента
12.	Colorado Micro Dissection Needle	Микрокоагуляция учун кўлланилади
13.	Pfm medical mepro Lk VSD	Қоринчалараро тўсиқ нуксонини даволашда ишлатилади
14.	Pfm medical mepro PDA	Очиқ артериал найдани даволашда ишлатилади
15.	Pfm medical mepro PFO	Очиқ артериал найдани даволашда ишлатилади
16.	Amplatzer vascular plug	Томирлар окклюзиясида ишлатилади
17.	Transcatheter Pulmonary Valve System	Ўпка артерияси клапани транскатетер протезлашда ишлатилади
18.	Нейродиагностик контакт пастаси	ЭЭГ текширувни ўтказиш учун ишлатилади
19.	Глаукоматоз клапан Ahmed FP 7	Антиглаукоматоз жарроҳлигида ишлатилади
20.	Luer Lock тирқишли тўғри аортал канюля, металл мустаҳкамлагич билан бирга	Болалар юрак жарроҳлигида ишлатилади
21.	DLP тўғри аортал канюля	Болалар юрак жарроҳлигида ишлатилади

22.	DLP металл мустаҳкамлагичлик эгилган веноз канюля	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
23.	Тўғри веноз канюля мустаҳкамлагичи билан бирга	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
24.	Коронар артерия учун канюля	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
25.	Янги туғилган чақалоқлар, болалар ва катталарап учун сўрғичлик кардиоплегик канюля	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
26.	Чап қоринча канюляси	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
27.	Гегара бужлари 10 мм дан 36 мм гача ўлчамларда	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
28.	Томир бужлари (кенгайтиргичлар) 2 ммдан 20 мм гача	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
29.	PTFE кувурсимон протез турли хил ўлчамларида	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
30.	PTFE перикардиал мембрана	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
31.	Фторлавсан нуксони учун ямоқлар	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
32.	Ксеноперикард	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
33.	Иплар PTFE, икки марта тешувчи игна	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
34.	Иплар PTFE, икки марта тешувчи игна	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
35.	Иплар PTFE, икки марта тешувчи игна	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
36.	Coseal Bio Glue	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
37.	Floseal BioGlue	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
38.	Экстракорпорал мембаранали оксигенация (ЕСМО) учун артериал конюля	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
39.	Экстракорпорал мембаранали оксигенация (ЕСМО) учун веноз конюля	Болалар юрак жарроҳлигига ишлатилади
40.	Кизилўнгач варикоз томирларини боғлаш учун эндолигатор	Портал гипертензия, қизилўнгач варикоз кенгайишида ишлатилади
41.	Кизилўнгаччининг баллон дилататори, катталарап ва болалар учун.	Кизилўнгаччининг чандиқли стенози ва структураларида ишлатилади
42.	Кизилўнгаччининг эндоскопик буж тўплами (комплект)	Кизилўнгаччининг чандиқли стенози ва структураларида ишлатилади
43.	Биодеградацияланувчи қизилўнгач стенти	Кизилўнгаччининг чандиқли стенозида ишлатилади
44.	Микрокатетер QuickQross 0.035/150 см	Сурункали артериал оёқ етишмовчилиги (диабетик тўпик), баллон ангиопластика/стентлаш амалиётида ишлатилади
45.	AngioSeal тикув қурилмаси	Сурункали артериал оёқ етишмовчилиги (диабетик тўпик), баллон ангиопластика/стентлаш амалиётида ишлатилади
46.	Proglide тикув қурилмаси	Сурункали артериал оёқ етишмовчилиги (диабетик тўпик), баллон ангиопластика/стентлаш амалиётида ишлатилади
47.	Катетер, бачадон артерия эмболизацияси учун	Бачадон артерияси эмболизация/миома ва аденоамали учун ишлатилади
48.	Тромбоэкстрактор	Сурункали артериал оёқ етишмовчилиги (диабетик тўпик), баллон ангиопластика/стентлаш амалиётида ишлатилади
49.	Қон томирлар қисқичлари (доимий ва вақтингчалик)	Бош мия қон-томирлари аневризмлари ва артерио-веноз мальформацияларида ишлатилади
50.	Оқимни йўналтирувчи стент	Бош мия қон-томирлари аневризмларида ишлатилади
51.	Жарроҳликдан сўнг плевранинг фаол аспирацияси учун созланувчан босимли ускуна	Юқори даражали йўқотилган қон хажмини йириш ва назорат қилиш учун кўлланилади

52.	Контерга (ўпка аллографтлари);	Ўпка клапани ва қон томирларини алмаштириш учун ишлатилади
53.	Трахея бўшлиғи пластикаси учун Т-симон силикон стент	Трахеяда жарроҳлик амалиётидан сўнг ишлатилади
54.	ВТС жарроҳлиги учун силикон жароҳат кенгайтиргич	Аортакоронар шунтлаш жарроҳлик амалиётида ишлатилади
55.	Томирлар ретракцияси учун силикон жгут	Аортакоронар шунтлаш жарроҳлик амалиётида ишлатилади
56.	Юрак тўсиқлари транссептал пункцияси учун тўплам	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
57.	Ўткацтиқўтказгич: Extra stiff wire guide Underquist	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
58.	Гидрофил ўтказгичлар	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
59.	Периферик нитинол ўтказгич	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
60.	Гайдузайтиргич Guide Extension Catheter Guidezilla TM II	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
61.	Микрокатетер Corsair	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
62.	Периферик томирларни эмболизацияси учун толали спирал	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
63.	Коронар артериялар учун тромбоаспиратор	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
64.	ИВЛ ускуналари учун оқим датчики	Эндоваскуляр амалиётлар учун қўлланилади
65.	Артериал қон босимини улчаш учун инвазив датчик DP-ED-20	Респиратор терапияда ишлатилади
66.	LUMINEX 200 комплекти ва реактивлари билан	Иммун ҳолатни аниқлаш учун қўлланилади
67.	Операцион майдон учун ишлатиладиган тиббиёт жарроҳлик плёнкаси	Травматологияда очик усулда оператив муолажаларида қўлланилади
68.	Гель 7% (Collost gel 7%) — I типдаги сўрилиб кетувчи биопластик коллаген материал.	Чуқур кўйган яраларини пластик ёпишда сунъий ўстирилган тери хужайраларини ташувчи восита
69.	Гистоэквивалент-биопластик материал	Катта майдонли юза ва чуқур кўйган яраларини даволаш учун қўлланилади
70.	Кўтарилиувчи аортанинг протези	Кўтарилиувчи аортани протезлашда ишлатилади
71.	Аорта равогининг 3 шохли протези	Аорта равогини протезлашда ишлатилади
72.	Тефлон прокладка	Юрак қон-томир операцияларида ишлатилади
73.	Металл сим (steel)	Юрак қон-томир амалиётидан сўнг кўкрак қафасини ёпиш учун қўлланилади
74.	Коронар резинка	Коронар шунтлаш амалиётида қон кетишини назорат кишиш учун қўлланилади
75.	Ошқозон-ичак трактининг қон кетаётган томирлари учун қисқичлар	Ошқозон ичак трактидан қон кетиш ҳолатларида ишлатилади
76.	Турли хил ўлчов ва шаклдаги титанли аневрезматик қисқичлар (стандарт ва мини вариантлар)	Бош мия қон-томир жарроҳлик амалиёларида (аневризмлар, мальформациялар) ишлатилади
77.	Блекмор зонди турли хил ўлчамлари	Болаларда кизилўнгачнинг варикоз вена томирларидан қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади
78.	Кизилўнгач кенгайтан вена томирларига эндоскописк лигаторлар	Кизилўнгач кенгайтан вена томирлардан қон кеттанди ишлатилади
79.	Криоабляция учун баллон	Юрак аритмияларида радиочастотали абляцияси учун қўлланилади
80.	Криоабляция учун катетер	Юрак аритмияларида радиочастотали абляцияси учун қўлланилади
81.	Веналарни ёпиштириш тизими	Юрак аритмияларида радиочастотали абляцияси учун қўлланилади
82.	Лангарли ушлаб турувчи (фиксатор)	Пайлар ва бойламлар фиксацияси учун қўлланилади

83.	Мениск тикиш учун асбоб (All inside va inside-outside усули бўйича менискни тузатиш)	Травматологик жароҳатларда ишлатилади
84.	Турникет (манжетли жгут)	Кўл ва оёқ ортопедик ҳамда травматологик амалиётларда ишлатилади
85.	Вертебропластикалар учун игналар	Умуртқа поғонаси жарроҳлик амалиётлари учун қўлланилади
86.	Бош мия қаттиқ пардасининг ўрнини босувчи восита (имплант)	Бош мия жарроҳлик амалиётлари учун қўлланилади
87.	Орқа мия синтетик ёпиштирувчи (клей)	Муҳрланиш ва ёпишқокликка қарши тизим. Нейрохирургия жарроҳлик амалиётида орқа мия қаттиқ парда воситасига стандарт усулларига қўшимча сифатида фойдаланиш учун кўрсатилган
88.	Каротид шунти	Каротид эндартерэктомия жарроҳлик амалиёти учун қўлланилади
89.	Транспедикулятор фиксаторлар системаси (6 винтлик)	Умуртқа поғонаси жарроҳлик амалиётлари учун қўлланилади
90.	Z-plate пластина	Умуртқа поғонаси жарроҳлик амалиётлари учун қўлланилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**208** «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишига кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
6 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 295-сон «Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Х. УМАРОВА**

Тошкент ш.,  
2023 йил 29 май,  
1-mh-сон

*Келишилди:*

*Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазири*

*И. АБДУРАҲМОНОВ*

2023 йил 23 май

*Ички ишлар вазири*

*П. БОБОЖОНОВ*

2023 йил 17 май

*Ташқи ишлар вазири*

*Б. САИДОВ*

2023 йил 23 май

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 6 июнда эълон қилинган.

*Соғлиқни сақлаш вазири**А. ИНОЯТОВ*

2023 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси  
мактабгача ва мактаб таълими вазирининг  
2023 йил 29 майдаги 1-мҳ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009 йил 6 июлдаги 180-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1992, 2009 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 365-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мҳ-сон «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга кириши учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 2015 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 391-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 2018 йил 5 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 майдаги 2-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1992-3, 2022 йил 3 июня) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.06.2022 й., 10/22/1992-3/0474-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚўМИТАСИНИНГ  
ҶАРОРИ

**209 Конунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
6 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ-758-сон «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги 01-11/01-05-сон қарори (рўйхат рақами 3155, 2019 йил 19 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2019 й., 10/19/3155/2975-сон) билан тасдиқланган Қонунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Баш прокуратураси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 май,  
05/05-05/01-сон

*Келишилди:*

**Олий суд раиси**

**Б. ИСЛАМОВ**

2023 йил 22 май

**Баш прокурор**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 июнда эълон қилинган.

2023 йил 17 май

Ўзбекистон Республикаси  
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар  
хукуқларини химоя қилиш қўмитасининг  
2023 йил 25 майдаги 05/05-05/01-сон  
қарорига  
ИЛОВА

### **Қонунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Методика Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари, вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг норматив-хукуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини (бундан буён матнда лойиҳалар деб юритилади), шунингдек амалдаги қонунчилик ҳужжатларини товар ва молия бозоридаги рақобатга таъсирини баҳолаш (бундан буён матнда рақобатга таъсирини баҳолаш деб юритилади) тартибини белгилайди.».

2. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» деган сўзлар «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва 7-банднинг «г» кичик бандидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 11-банднинг биринчи хатбошиси ва 21-банднинг учинчи хатбошисида ги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти ор-ганлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойи-ҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хукуқий экспертиздан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль)» деган сўзлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти органла-ри томонидан норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, хукуқий экспертиздан ўтказиш қоидаларида (рўйхат рақами 3333, 2021 йил 18 ноябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA AGENTLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING  
 QARORI

**210 Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 8-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2858-1*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksiga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi hamda O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi va Mehnat vazirligining 2017-yil 17-yanvardagi 1-mb, 3-q/q-son qarori (ro'yxat raqami 2858, 2017-yil 17-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 7-son, 104-modda) bilan tasdiqlangan Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi hamda O'zbekiston Kasaba uyushmalari federatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Statistika agentligi direktori**

**B. BEGALOV**

Toshkent sh.,  
 2023-yil 31-may,  
 35-mb-son

**Kambag'allikni qisqartirish va  
 bandlik vaziri**

**B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,  
 2023-yil 31-may,  
 19-2023/qq-son

*Kelishildi:*

*Iqtisodiyot va moliya vaziri*

*Sh. KUDBIYEV*

*2023-yil 31-may*

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 8-iyunda e'lon qilingan.

*Savdo-sanoat palatasi raisi**D. VAXABOV**2023-yil 16-may**O'zbekiston Kasaba uyushmalari  
federatsiyasi raisi**K. RAFIKOV**2023-yil 12-may*

O'zbekiston Respublikasi  
 Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining  
 2023-yil 31-maydagi 35-mb-son hamda  
 Kambag'allikni qisqartirish va bandlik  
 vazirligining 2023-yil 31-maydagi  
 19-2023/qq-son qaroriga  
 ILOVA

**Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik  
 sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan  
 o'zgartirishlar**

1. 12-bandda:

birinchi xatboshidagi “ish vaqt muddatiga” degan so‘zlar “ish vaqt davomiyligiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “ish vaqt muddati” degan so‘zlar “ish vaqt davomiyligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “ish vaqtining normal muddati” degan so‘zlar “ish vaqtining normal davomiyligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ish vaqtining normal davomiyligi O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 182-moddasiga muvofiq belgilanadi.”.

2. Ilovada:

“ish vaqtining muddati” degan so‘zlar “ish vaqtining davomiyligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“ish vaqtining normal muddati” degan so‘zlar “ish vaqtining normal davomiyligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“115-moddasiga” degan so‘zlar “182-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**211** «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йифими) миқдорини белгилаш хақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги 392-сон «Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йифими) миқдорини белгилаш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3206, 2019 йил 23 декабр) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 июнь,  
22-сон

*Келишилди:*

*Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазари*

*Л. КУДРАТОВ*

2023 йил 25 май

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**212**

**Тижорат банклари томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3441*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласиди**:

1. Тижорат банклари томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳукукий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 5 май,  
10/5-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
5 майдаги 10/5-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-  
мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек  
юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги)  
улушларини ёки акцияларини сотиб олишга  
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом тижорат банклари (бундан буён матнда банк деб юритилади) томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

**1-боб. Банк томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни  
сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга доир талаблар**

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талабларига мувофиқ банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларга қўйидагилар киради:

банкнинг фаолияти ва тўлиқ иш юритиши учун зарур бўлган, унга тегишли бинолар ва бошқа иншоатлар (хизмат бинолари, омбор, гараж, ошхона, ўқув маркази, ижтимоий инфраструктура обьектлари);

банк фаолиятида фойдаланилаётган транспорт воситалари (автомашина, юқ машиналари ва бошқа харакатланувчи воситалар);

банк фаолияти учун сотиб олинган мебеллар, компьютерлар, бинолар учун мосламалар,офис учун ва бошқа ускуналар;

тўлов карталари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари, банкоматлар, терминаллар, серверлар ва бошқа ускуналар;

операцион ижарага берилган асосий воситалар;

омбордаги асосий воситалар;

банк томонидан олинган ва омборда сақланаётган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, шунингдек бошқа қимматликлар, шу жумладан банкнинг бино ва бошқа асосий воситаларини таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар;

банкнинг тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлари.

2. Мазкур Низом талабларига мувофиқ банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларга қўйидагилар киради:

сотиб олинган ер;

гаров хисобидан ундирилган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулклар;

кредит ва лизинг бўйича ундирилган тугатилаётган банкрот корхоналар кўчмас мулки ва бошқа мол-мулклари;

ижара даромадини олиш ва капитал ўсиши учун ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган кўчмас мулклар;

банк фаолиятини амалга ошириш учун сотиб олинган, бироқ банк фаолиятида ва (ёки) мулкка қилинган инвестиция сифатида уч йилдан ортиқ муддатда фойдаланилмаётган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулклар.

3. Банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ёки зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларнинг жами қиймати банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг бир баробаридан ошмаслиги керак.

4. Банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ёки зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларнинг жами қиймати ҳисоб-китобларида:

асосий воситалар, бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлик бўлган лойиха-қидирав ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар ҳамда асосий воситалар сотиб олиш билан боғлик бўлган бошқа капиталлаштириладиган харажатлар қиймати қўшилган ҳолда;

ушбу кўчмас мулк ва бошқа мол-мулклар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган захиралар ва йиғилган эскириш суммалари микдори чегирилган ҳолда ҳисобга олинади.

## **2-§. Кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ва эгалик қилишга доир талаблар**

5. Банклар банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлганда кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишлари ҳамда уларга эгалик қилишлари мумкин.

6. Банклар банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларга вақтингачалик эгалик қилишлари ҳамда уч йил ичига сотиши чораларини кўриши ёки улардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиши зарур.

7. Банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкни сотища сотувчи банк томонидан харидорнинг молияланишини ўз ичига олса, банк ушбу операцияга кредитлаш сифатида ёндашиши лозим. Бунда банк кредитлашга нисбатан белгиланган талабларни бажариши зарур.

8. Кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкни банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) деб ҳисоблаш қўйидаги санадан бошланади:

банк фаолиятини амалга оширишда фойдаланилмайдиган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкка мулк ҳуқуқи банкка ўтган кундан бошлаб;

банкнинг бир биносидан бошқа биносига кўчиб ўтиши тугалланган кундан бошлаб;

банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган сотиб олинган

(эгалик қилинаётган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкдан фойдаланмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб;

гаров ҳисобидан ундирилган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк банк ихтиёрига ўтган кундан бошлаб.

9. Банкнинг ваколатли бошқарув органи банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулкдан ва бошқа мол-мулкдан мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тегишли муддатдан бошлаб уч йилдан сўнг банк фаолиятини амалга оширишда фойдаланишга қарор қилганда ушбу кўчмас мулк ва мол-мулклардан фойдаланишнинг аниқ режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаши зарур.

Бунда, мазкур режа якуний ва оралиқ муддатларда амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олиши ҳамда ушбу режа тасдиқлангандан бошлаб банк фаолиятини амалга ошириш учун зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкдан икки йил ичida фойдаланишни бошлаш назарда тутилиши лозим.

## **2-боб. Банклар томонидан юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар**

10. Банклар Марказий банк томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензия асосида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қимматли қофозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишлари мумкин.

11. Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларида (устав капиталларида) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қўйидагилар мустасно:

кредит, суфурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қофозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қофозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюролари;

қимматли қофозларнинг иккиласчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

12. Банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капи-

талидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак.

13. Банклар томонидан қимматли қофозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

14. Қимматли қофозлар билан битимларни амалга ошириш суммасини ҳисоблашда қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қофозлар капитал монандлиги ҳисоб-китобларида банк контрагентига (эмитентга) белгиланган таваккалчилик даражаси асосида таваккалчиликка тортилган қийматда ҳисобга олинади.

Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт.

15. Мазкур Низомнинг 12 ва 13-бандларида белгиланган чекловлар банк активлари таъминоти учун қабул қилинган қимматли қофозларга нисбатан қўлланилмайди.

### **3-боб. Якуний қоидалар**

16. Банклар сотиб олинган ва эгалигидаги кўчмас мулкни ва бошқа мол-мulkни, шунингдек сотиб олинган юридик шахсларнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини ҳисобини юритиши ва бу тўғрисидаги ҳисботларни хар ойнинг ўнинчи санасига қадар Марказий банкка тақдим этиб бориши лозим.

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
5 майдаги 10/5-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 427-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларининг кўчмас мулкка бўлган инвестицияларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (рўйхат рақами 572, 1998 йил 19 декабрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/15-сон «Тижорат банкларининг кўчмас мулкка бўлган инвестицияларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 572-1, 2010 йил 8 ноябрь) (Ўз-

бекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 407-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қофозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1894, 2009 йил 2 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 57-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/5-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қофозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1894-1, 2015 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 30-сон, 401-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/18-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қофозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1894-2, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 746-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/12-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қофозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1894-3, 2018 йил 6 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 10/18/1894-3/1846-сон).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG'I

**213 Mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko'ra bekor qilinib, ogohlantirish muddati pullik kompensatsiyaga almashtirilganda xodimlarga moddiy madad berish tartibi haqidagi tushuntirishga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
9-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 720-2*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va "O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksini tasdiqlash to'g'risida"gi Qonunining 4-moddasiga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi Mehnat vazirligi tomonidan 1999-yil 15-aprelda 684/04-1-son bilan tasdiqlangan Mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko'ra bekor qilinib, ogohlantirish muddati pullik kompensatsiyaga almashtirilganda xodimlarga moddiy madad berish tartibi haqidagi tushuntirishiga (ro'yxat raqami 720, 1999-yil 10-may) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 10-may,  
9-2023/B-son

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2023-yil 10-maydag'i 9-2023/B-son buyrug'iga  
ILOVA

**Mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko'ra bekor qilinib, ogohlantirish muddati pullik kompensatsiyaga almashtirilganda xodimlarga moddiy madad berish tartibi haqidagi tushuntirishga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Birinchi xatboshidagi "Mehnat kodeksi 102-moddasining birinchi va to'rtinchi qismlarida" degan so'zlar "O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 165-moddasi uchinchi qismi hamda 168-moddasi uchinchi qismida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Ikkinci xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Bunda, ushbu ogohlantirish muddatlarini pullik kompensatsiyaga almashtirish ish beruvchining xohishi asosida amalga oshiriladi.". ish beruvchining

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 12-iyunda e'lon qilingan.

3. Uchinchi — beshinchi xatboshilar chiqarib tashlansin; oltinchi — sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.
4. Uchinchi xatboshidagi “Mehnat kodeksi 67-moddasining birinchi va uchinchi qismida” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 100-moddasini birinchi va to‘rtinchi qismlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.
5. To‘rtinchi xatboshidagi “Mehnat kodeksining 67-moddasini birinchi qismida” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 100-moddasini birinchi qismida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING  
BUYRUG'I

**214 Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalarining  
3-ilovasi 3-bandiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
9-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2219-14*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 31-maydagi PF-81-son “Ekoliya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasini transformatsiya qilish va vakolatli davlat organi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoniq muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2011-yil 22-fevraldagagi 1-yu-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2219, 2011-yil 18-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 16-son, 167-modda) bilan tasdiqlangan Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalarining 3-ilovasi 3-bandisi “v” kichik bandining to'rtinchi va yettinchi xatboshtilaridagi “Tabiat resurslari vazirligi” degan so'zlar “Ekoliya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 8-iyun,  
251-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 12-iyunda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**215** «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2721, 2015 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 547-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2721, 2015 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 547-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 31 май,  
19-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
31 майдаги 19-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва  
картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги  
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

номи ва 1-бандидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт  
ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

номи ҳамда 1 ва 2-бандлардаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар  
«Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНинг  
ҚАРОРИ**

**216      Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3442*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 май,  
14/10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
27 майдаги 14/10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви  
томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий  
ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-бандида:

биринчи хатбошидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

иккинчи хатбошидаги «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июнда эълон қилинган.

13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 41-банди учинчи хатбошисидаги «(банкротлик)» деган сўз «(тўловга қобилиятсизлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33<sup>6</sup>-банди олтинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 31 марта 12/8-сон қарори (рўйхат рақами 3002, 2018 йил 25 апрель) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.04.2018 й., 10/18/3002/1102-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомнинг 24-бандидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сон қарори (рўйхат рақами 3219, 2020 йил 10 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/3219/0160-сон) билан тасдиқланган Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомда:

а) 31-банд иккинчи хатбошисидаги «банкротликка» ва «банкротлиги» деган сўзлар тегишли равища «тўловга қобилиятсизликка» ва «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 76-банддаги «Банкротлик тўғрисида»ги» деган сўзлар «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 18 ноябрдаги 20/4-сон қарори (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.11.2021 й., 10/21/3336/1101-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвавараклар режаси 3-бобидаги «16703 Кредит ва лизинг бўйича ундирилган тугатилаётган банкрот корхоналар мулки» баланс ҳисобварағининг таърифидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil 29-maydagi 248-mh-son hamda Madaniyat va turizm vazirligining 2023-yil 15-maydagi 2077-son “Pochta to‘lovining davlat belgilari davlat kolleksiyasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2077-4.**

2. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 243-mh-son “Pochta aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2219-13.**

3. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 244-mh-son “Pochta, kuryerlik jo‘natmalari pochta xavfsizligi yuzasidan nazoratni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2428-7.**

4. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 15-maydagi 245-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi pochta to‘lovining davlat belgilari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 5-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2529-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 26 майдаги 14/11-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-3.**

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 16 майдаги 12-сон «Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларнинг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи.

**2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3439.**

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 2 июндаги 14-сон «Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган ана-

логлари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3440.**

8. Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2023 йил 29 майдаги 1-mh-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун хужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида-ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-4.**

9. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 25 майдаги 05/05-05/01-сон «Конунчилик хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155-1.**

10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining 2023-yil 31-maydagi 35-mb-son hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2023-yil 31-maydagi 19-2023/qq-son “Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o‘rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2023-yil 8-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2858-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 1 июндаги 22-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йифими) миқдорини белгилаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206-1.**

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 5 майдаги 10/5-сон «Тижорат банклари томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мulkни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3441.**

13. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 10-maydagi 9-2023/B-son “Mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko‘ra bekor qilinib, ogohlantirish muddati pullik kompensatsiyaga almashtirilganda xodimlarga moddiy madad berish tartibi haqidagi tushuntirishga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 9-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 720-2.**

14. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil

8-iyundagi 251-mh-son “Pochta aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish qoidalalarining 3-ilovasi 3-bandiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 9-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2219-14.**

15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 31 майдаги 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги бўйруфи.

**2023 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721-2.**

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 27 майдаги 14/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3442.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009 йил 6 июлдаги 180-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишига кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 1992, 2009 йил 5 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1992-1, 2015 йил 22 июль), (рўйхат рақами 1992-2, 2018 йил 5 май), (рўйхат рақами 1992-3, 2022 йил 3 июнь).

**2023 йил 6 июнда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдорини белгилаш ҳақида»ги бўйруфи (рўйхат рақами 3206, 2019 йил 23 декабрь).

**2023 йил 8 июнда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**